Иккиламчи металларни суюқлантириш технологияси фанидан 1-маърузасидан уйга вазифа

1-савол: Қуймакорликда Газ алмашинув жараёнига боғлиқ хоссалар қандай?

Жавоб: Қолипнинг суюқ металл билан тўлдирилиш ва қотиши жараёнида газлар ажралиб чиқади. Бу газларнинг хажми қуйма хажмидан бир неча баробар катта бўлади. Қолип бўшлиғида ва ғовакларида жойлашган хаво жуда катта миқдорда кенгаяди; Қолип ашёси таркибидаги намлик буғга айланади, органик бирикмаларнинг бир қисми ёниб, қолган қисми кристаллогидрат, карбонат ва бошқа минералларга парчаланади. Бу жараён қолип ғовакларида газ босимини ошириб, қуйманинг қотиш жараёнига таъсир қилади. Шунинг учун қолип ашёсининг газ ўтказувчанлиги катта аҳамиятга эга бўлган кўрсатгичлардан биридир.

2-савол: Технологик хоссаларининг аҳамияти қандай?

Жавоб: Аралашманинг иш кўрсатгичларини белгиловчи хоссаларга технологик хосслалар дейилади. Бу хоссалар маълум бўлган физикавий ва кимёвий параметрлар ёрдамида миқдор жихатдан белгилана олмайди. Ҳар бир технологик хосса ашёнинг бир қанча параметрларининг функцияси ҳисобланади. Технологик хоссалар асосан тажриба усулида аниқланади.

Оқувчанлик – аралашманинг ташқи куч таъсирида ўзак яшиги бўшлиғини тўлдира олиш ёки моделнинг атрофини оқиб ўта олиш қобилиятига айтилади. Қолип аралашмаларининг оқувчанлиги қум заррачаларини нафақат куч қўйилаётган йўналиш бўйича, балки бошқа йўналишлар бўйича ҳам ҳаракатини таъминлай олиши керак. Оқувчанликнинг етарли даражада бўлмаслиги қолип юзасида бўшлиқлар ёки нотекисликлар ҳосил бўлиши ва натижада қуйма сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Аралашма оқувчанлиги боғловчининг табиати ва миқдорига, гил ташкил этувчиларнинг миқдори ва намлигига, қум зарраларининг ўлчами ва шаклига, ҳамда аралашма тайёрлаш усулига боғлиқ.